


M.A. XALOVA. ZEBU MIRYO BADIYI OLAMI	531
D.J. XAMROEVA. ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИДА ҚЎЛ ВА УНИНГ ҚИСМЛАРИ ОБРАЗЛАНТИРИЛИШИ	538
N.A. TUROBOVA. BADIY MATNNING LINGVOPRAGMATIK TAHLILI.....	546
O.F. ALIYEVA. MILLIY ETNOFRAZEMALARNING O'RGANILISH TARIXI.....	553
D.B. BAHRIDDINOVA, S.A. XOLMONOVA. RETRONIMLAR VA PALINDROMGA, ULARNING O'ZBEK SHE'RIYATIDAGI ANAMIYATI.....	561
X.Q. YULDASHEVA. BADIY MATNNING HUTQ VAZIYATI VA MULOQOT SHAROITI OMIliga ASOSLANGAN SOCIOPRAGMATIK TIPLARI	568
M.X. PARDAEVA. ABDULLA QODIRIY XAJVIY ASARLARIDA Q'LLANILGAN AYRIM MUSTAKIL S'ZLARNING GRAMMATIK MA'NO VA MUAYYAN VAZIFALAR BAJARIHI	574
D.A. YONUSOVA. SHAVKAT RAHMON IJODIDA METAFORALARNING SINTAKTIK-STILISTIK KOMBINACIYALARNI XOSIL QILISHI	580
R. MASHARIBOVA. "MEHROBDAN CHAYON" ROMANIDAGI TROPLAR	587
U.A. YOKUBBAYEVA. "DAFTAR" LEKSEMASI KOMPONENTLIGIDA YUZAGA KELGAN YANGI ITIMOiy-SIYOSIY BIRLIKLAR XUSUSIDA.....	594
O.R. YULDASHEVA. TIL VA MADANIYAT MUNOSABATINI O'RGANISHDA MAQOLLARNING O'RNI	599
Z. NARIMANOVA. JЕК LONDON XIKOYALARIDAGI U'XSHATISSLAR TARJIMASI XAQIDA	605
D.X. YO'LDOSHEVA. DRAMATIK MATNDA PLEONAZMNING PRAGMATIK XUSUSIYATLARI	611
S.F. NURMANOVA. IODKOR IDIOSTILINI NAMOYON QILISHDA BADIY KONSEPTLAR MUNOSABATI	618

SECTION 6.

COMPARATIVE LINGUISTICS AND TRANSLATION STUDIES

M.I. ISMOILOVA, M.M. KURBANOVA. INGLIZ VA U'ZBEK TILLARIDA QARASHLILIK TEGISSLILIKNING LEXSIK VA SEMANTIK TARKIBI	625
O.A. TURAКУLOVA. U'ZBEK TILI DARSLARIDA E'ZMA SAVODXONLIKNI O'SHIRISH USULLARI	634



ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЁЗМА САВОДХОНЛИКНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ

Туракулова Оксана Амиркуловна,
пед.ф.ф.д (PhD), доцент
Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти
университети “Ўзбек тили таълими” факултети
shahrizodf@mail.ru

Аннотация: Мақолада ўзбек тили дарсларида ёзма саводхонликни оширишнинг айрим методик масалалари ёритиб берилган. Ҳарфлари билан боғлиқ хатолар, Унли ёки ундошнинг қўш ҳамда катор келиши билан боғлиқ хатолар, тутук белгиси билан боғлиқ хатолар, -нинг қўшимчасининг нутқда қўллаш билан боғлиқ хатоликлар ва уларни бартараф этиш юзасидан айрим услубий tavsiyalar келтирилади.

Калит сўзлар: Тил, ўзбек тили, диктант, кичик ижодий матн, машқ, хатолар, сўз, оғзаки ва ёзма нутқи.

Annotation: The article discusses some methodological issues of improving written literacy in Uzbek language lessons. Errors related to the letters of a vowel or consonant, errors related to the arrival of a deuce and a row, errors related to the parrot sign, errors related to the use of a suffix in speech and some methodological recommendations for their elimination are presented.


Keywords: language, Uzbek language, dictation, small creative text, exercise, mistakes, word, oral and written speech.

Тил- ўтмиш, тил бутун, тил келажак. Ҳазрат Навоий ўз замонасида тилнинг нақадар аҳамият касб этиши ҳақида: «Тилга ихтиёрсиз элга эътиборсиз», -деб ёзганида қанчалар ҳақ эди. Туркий тилнинг жозибаси, унинг бойлигини исботлаш учун буюк бобомиз бениҳоя салмоқли ишлар қилган.

Буёқ маърифатпарвар олим Абдулла Авлонийнинг «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадургон ойнайи ҳаёти тил ва адабиётдур, миллий тилини йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдур», - деб бежиз айтмаганлар. Маърифатпарвар аллома ва ўз даврида ўнга яқин дунёвий тилларни пухта ўрганган олим Исҳоқхон Ибратнинг ушбу сўзларига эътибор қаратайлик: «Бизнинг ёшлар албатта бошқа тилини билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат — бу ватаний ишдир».

Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг ёзма саводхонлигини оширишда дарсда ва уйда бажариладиган ёзма машқлар ва уларни ўқитувчи томонидан назорат қилиб бориш катта аҳамият касб этади. Фикрни ёзма тарзда баён қилиш мураккаб жараён бўлиб, ўзбек тили таълимининг мақсади шунда мужассамлашган.

Адабиёт дарсларида асар муаллифлари ёки қаҳрамонларига мактублар, уларнинг ўзига хос фазилатлари ва иллатларини ёзиш, адабий асар ёки адабий танқидий мақолаларга тақриз ёзиш каби ёзма ишлар ўқувчиларнинг ёзма нутқини ўстириш билан бирга уларнинг саводхонлик даражасини ҳам ошириб боради. Таълим жараёнида ўқувчиларнинг ёзма саводхонлигини оширишда ўқитиладиган барча фанларда ўқувчиларнинг саводхонлик даражасига эътибор қаратиш зарур. Афсуски, бу масалада таълим жараёнида жиддий камчиликлар мавжуд. Ўзбек тили дарсларида ёзма назорат ишлари: диктант, кичик ижодий матн каби турларни ўтказиш ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширади. Айниқса, ишло саводхонлигини ошириш, ижодий фикрлаш қobiliятини ривожлантириш ёзма нутқ малакаларини мустаҳкамлаш учун хизмат қилади. Таълим жараёнида ёзма саводхонликни ошириш учун диктант, кичик ижодий матн машқларини ўтказиш қанчалик муҳим бўлса, уларни таҳлил қилиш, хатолар устида ишлаш ва баҳолаш шунча катта аҳамиятга эга. Таълим босқичларида, афсуски, ёзма ишларни таҳлил қилиш, хатолар устида



нишлаш, баҳолаш намунали деб бўлмайди. Бунинг учун ўқитувчининг савияси, саводхонлик даражаси юқори бўлиши керак. Ўзбек тили дарслари ўқитувчи ихтиёрида бўлиб, диктант, кичик ижодий матн, машқларнинг мавзулари миллий қадриятлар, маънавий ахлоқий фазилатлар, маърифий, ватанпарварлик мавзуларида танланиши керак. [Ш.Адамова, 2015; 59]

Бунда ўқувчиларнинг ёши ва психологик хусусиятларини ҳисобга олиш керак. «Кимнинг хати чиройли», «Китобхон кундалиги» каби танловларини ўтказиш, «Хусниҳат» тўғарақларини ташкил этиш ўқувчиларнинг ёзув малакасини тўлиқ эгаллашга бўлган қизиқишларини ва оғзаки, ёзма саводхонлигини оширишга хизмат қилади.

Ўқувчиларининг саводхонлигини текшириш, асосан қайси ўринларда хатоларга йўл қўяётганлигига аҳамият берган ҳолда ўша хатоларнинг илдизини аниқлаш ва бартараф қилиш мақсадида уч гуруҳда тажриба ўтказилганда ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқида бир қатор камчиликлар кўзга ташланди. Аввало, ўқувчилардан сўзлардан сўнг матнлардан иборат диктантлар олинди, ўқилган бадвий асарлар юзасидан саволномалар ўтказилди, кейин эркин мавзуларда ишро ёзиш топширилди. Уларнинг ишларини текшириш асосида аксарият ўқувчилар йўл қўйган хатоларда умумийлик борлигининг гувоҳи бўлинди. Шунинг учун хатолар қуйидагича гуруҳланди:

1. X ва x ҳарфлари билан боғлиқ хатолар;
2. Шевалар билан боғлиқ хатолар;
3. Унли ёки ундонининг қўш ҳамда қатор келиши билан боғлиқ хатолар;
4. Тутуқ белгиси билан боғлиқ хатолар;
5. -нинг қўшимчаси ўрнига –ни қўллаш ҳолатлари.

Юқордаги кичик бир кузатиш орқали аниқланган ҳолатлар шунини кўрсатадики, ўқувчиларнинг йўл қўяётган хатоларнинг аксарияти талаффузга асосланган ҳолда юзага келган.